Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

26 март 1972 йил, якшанба ✦ № 72 (15.243). ✦ Баҳоси 2 тийин.

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ!

РЕСПУБЛИКА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Ўзбекистон чорвадорлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини меҳнат муваффақиятлари билан бойитмоқдалар.

Республикамизнинг колхоз ва совхозлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, форишлик чорвадорларнинг чақириғига амалий иш билан жавоб бердилар. Улар гўшт, сут ва тухум тайёрлаш квартал планини муддатидан илгари, 24 март куни бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга ўтган йилнинг шу давридагига қараганда кўпроқ гўшт ва сут сотилди. Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм областларининг чорвадорлари квартал топшириғини республикада биринчи бўлиб бажардилар.

Қишнинг ғоятда қаттиқ келишига қарамай, шу йилнинг икки ойи мобайнида 1971 йилнинг шу давридагига нисбатан сут ва гўшт етиштириш 9 процентга ошди, тухум тайёрлаш эса, 7 процентга кўпайди. Чорва молларининг маҳсулдорлиги ортди.

Республика чорвадорлари шу кунларда чорва қишловини муваффақиятли якунлаш, маҳсулот етиштиришни тағин ҳам кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилиш юзасидан белгиланган квартал планларини анча ошириб бажариш учун қизғин иш олиб бормоқдалар.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕРЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1972 йил 19 майда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотига 50 йил тўлади. Пионерларнинг ярим асрлик юбилейи — мамлакатимизда болалар коммунистик ҳаракатини ривожлантиришда шонли сана. Пионерлар, комсомол ва мактаб ҳаётида, барча совет кишилари ҳаётида катта воқеадир.

Коммунистик партия ташаббуси билан тузилган пионерлар ташкилоти ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш системасида муҳим бўғиндир. Пионерлар ташкилоти партия ва ўз етакчиси Ленин комсомоли раҳбарлигида мактаб, оила ва совет жамоатчилиги билан биргаликда ёш гражданларни ғоявий-ахлоқий ва ҳар томонлама камол топиши масалаларини ҳал этишда актив қатнашмоқда.

Совет пионерларининг тарихи халқимизнинг қаҳрамонона тарихи билан чамбарчас боғланган ва у Ленининг болалар ташкилоти — коммунарлар тарбиялашнинг энг яхши йўли деган фикрини ёрқин тасдиқлайди. Болалар ҳаракатининг йилномаси ватанпарварлик, фидокорлик, чинакам қаҳрамонлик намуналарига бой.

Пионерлар ташкилоти бугунги кунда ҳам ҳар бир ўқувчида совет гражданининг энг яхши ҳислатларини тарбиялашда актив ёрдам бермоқда. Пионерлар ташкилоти чуқур ва мустаҳкам билим олиш, болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, табиатни муҳофаза қилиш, темурлар ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш учун курашда мактабга кун сайин ёрдам бериб турибди. Совет пионерлари кардош социалистик мамлакатлардаги тенгқурлари ҳамда бутун дунё меҳнаткашларининг болалари билан дўстликни доимо мустаҳкамламоқдалар. Ёш пионерлар ватанни жон-дилдан севиш, Владимир Ильич васият қилганидек, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўргатаётганидек ўқиш ва яшашдан иборат тантанали ваъдаларига содиқ турганликларини ўзларининг ҳамма ишлари билан тасдиқламоқдалар.

Ўз сафларида 23 миллион болани бирлаштирган Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти Владимир Ильич Ленин номини фахр билан оқламоқда. Пионерлар байроғидаги Ленин ордени ташкилотнинг хизматларини бутун халқ тан олганлигининг нишонасидир. Қизил галстук коммунистлар, комсомоллар ва пионерлар бирлигининг революцион рамзи бўлиб қолди.

Пионерлар ташкилотининг роли ва обрўси ошганлиги — партия билан комсомолнинг доимий эътибори ва меҳрибонлиги пионерларнинг катта дўстлари — кўп минглаб ташаббусчи жамоатчиларнинг кундалик меҳнати натижасидир. Совет муаллимлари, педагогика фани пионерлар ҳаракатининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Партия муаллимларнинг ёш ленинчиларни тарбиялаш, пионерлар ташкилоти ишини такомиллаштириш борасида қилаётган фидокорона меҳнатини юксак даражада қадрлайди.

КПСС Марказий Комитети Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг эллик йиллигини пионерлар ва ўқувчиларни, бутун совет ёшларини Коммунистик партия теварагида яна жипслаштириш, ёш авлодни коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашни кучайтириш белгиси остида, болаларнинг ёркин байрами, пионер дружиналари ва отрядлари ишининг кўриги сифатида ўтказишни зарур, деб ҳисоблайди. Ўқувчилар пионерлар ташкилотининг юбилейини, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини ўқишда ва жамоат ишида жуда яхши муваффақиятлар билан кутиб олишга интилаётганликларини актив равишда қўллаб-қувватлаш керак.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари юбилейни тайёрлаш ва ўтказишда, ёш авлодни тарбиялаш ва унга билим беришни янада яхшилашда, ёш пионерлар билан ишлашга кенг жамоатчиликни жалб этишда комсомол комитетларига, пионер ташкилотлари советларига амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Бахтли болалик ҳақида партия ва Совет давлатининг ленинча ғамхўрлигини, мамлакатимиздаги коммунистик ғалабаларнинг улуғворлигини, КПСС XXIV съезди белгилаб берган улкан планларни ўқувчиларга янада кенг ва лўнда қилиб тушунтириб бериш зарур.

КПСС Марказий Комитети таъкидлайдики, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ёш авлодни бутун билим ва маданият бойликлари билан активроқ қуроллантириш, Улуғ Октябрь зафарлари ва совет халқининг қаҳрамонона ютуқларини мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга қодир авлодни камолга етказиш айниқса муҳимдир.

Комсомол, пионерлар ташкилоти ўқувчиларни Ленининг коммунизм қуришни ўрганинг деган васиятини ҳамиша бажариш руҳида тарбиялашга даъват этилганлар. Пионер иши совет болалари ҳаётининг ҳамма томонларини ўз ичига қамраб олмоғи, болаларга ижтимоий фаолият, жамият бахт-саодати учун меҳнат қилиш борасида дастлабки малакалар бериши, уларни Совет Ватанига меҳр-муҳаббат, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва пролетар интернационализми, коллективчилик ва ўртоқлик руҳида тарбиялаши лозим.

Владимир Ильич Ленининг ҳаёти ва фаолияти, партия, совет халқи ва комсомолнинг қаҳрамонона тарихи ғоявий эътиқод ва коммунистик ахлоқни тарбиялашнинг битмас-туганмас манбаидир. Кекса авлодларнинг революцион жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати йўллари бўйлаб ўтказилаётган походларни бундан буён ҳам кенг ёймоқ, пионерларнинг ажойиб анъаналари, символика ва маросимларидан активроқ фойдаланмоқ лозим.

Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти умумий ўрта таълимни амалга оширишда мактабнинг актив кўмакчисидир. Партия, комсомол ташкилотлари, педагогика коллективлари бундан буён ҳам мактаб ҳаётида пионерлар ташкилотининг ролини оширишлари зарур. Улар ўзларининг бутун фаолиятлари билан ўқувчиларда онгли интизом, юксак ҳулқ-атвор софдиллик ва принципиаллик, яхши ва аъло ўқиш — уларнинг асосий граждан лик бурчи эканлигини чуқур тушуниш ҳислларини тарбиялашга даъват этилгандир.

Ўқувчилар предмет тўгаракларида актив шуғулланишларига кўриклар, конкурслар, олимпиадалар, болалар ижодиёти виставкаларида қатнашиб туришларига эришиш зарур. Ўқувчиларнинг яратувчилик меҳнатига тайёргарлик кўришга интилишларини, бугунги кундаёқ Ватанга маҳ келтиришга интилишларини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаб, камол топдира бориш лозим. Олимлар, мутахассислар, студентлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, ота-оналар кенг жамоатчилиги бу борада катта ёрдам кўрсатишга даъват этилганлар.

Ҳар томонлама камол топган кишини вояга етказиш, болаларнинг жисмоний ва эстетик тарбиясини янада яхшилаш педагогика коллективлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари, маданий-оқартув муассасаларининг энг муҳим вазифасидир. Болаларни ғўзаллик оламига активроқ жалб қилмоқ, болаларнинг ижодий майиллари ва истеъдодларини камол топтириб бормоқ зарур.

Ижодий союзларга ўқувчиларни эстетик тарбиялашда амалий қатнашув тадбирларини амалга ошириш, ўзларининг энг яхши кучларини болалар тўгараклари ва студияларига раҳбарлик қилишга, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларга методик ёрдам кўрсатишга жалб қилиш тавсия этилсин.

ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Маориф министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети, ДОСААФ Марказий Комитети, маҳаллий партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари мактабдан ташқари болалар муассасалари ишини такомиллаштирсинлар, болаларнинг дам олиши ва даволанишини ташкил этиш учун моддий базани кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шаҳар ташкарисидаги ва шаҳарлардаги пионер лагерлари шохобчаларини кўпайтириш, истиқомат жойларидаги ишни яхшилаш чораларини кўрсинлар.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ташкилотга ВЛКСМ раҳбарлиги янада кучайтирилишини тақозо этади. Бундан буён ҳам болалар билан ишлаш мазмуни, шакли ва методларини яхшилаб бормоқ, ўқиш ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини, уларнинг талаб ва қизиқишларини тўлароқ назарда тутмоқ зарур. Пионерлар ташкилотининг бутун ҳаёти болалар ташаббуси ва фаолиятини ривожлантириш, ташкилот ишига ҳар бир пионерни жалб этишга қаратилмоғи лозим. Пионерлар отрядлари ва дружиналарига раҳбарлик қилишга ёш педагоглар, ишлаб чиқаришнинг энг яхши ходимлари, студентлар, юқори синф ўқувчиларини кенгроқ жалб этиш зарур. Октябрятлар билан ишлашга комсомол ва пионер ташкилотининг эътибори кучайтирилсин, ўқишда ва дам олишни ташкил этишда уларга ёрдам берсин.

СССР Маориф министрлиги ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда пионерлар ва комсомоллар билан ишлашга пионер ходимлари ва муаллимларни тайёрлашни яхшилаш чораларини ишлаб чиқиб, амалга оширсин, бош пионер етакчиларининг малакасини ошириш системасини ривожлантирсин.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш—партия ва бутун совет халқининг жонажон иши. Ленининг «Ҳамма энг яхши нарсалар—болаларга!» деган васияти мамлакатимизда амалда рўёбга чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети партия комитетлари зиммасига комсомол ва пионер ташкилотига раҳбарликни доимо такомиллаштириб бориш, оила, мактаб, давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш, коммунизмнинг юқори маълумотли ғоявий эътиқодли актив биноқорларини тарбиялашда уларнинг ролини ошириш мажбуриятини юклайди.

Корхонада, қурилиш, колхоз, совхоз, муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг партия ташкилотлари мактаб билан алоқани доимо кенгайтириб, мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиб борсинлар, ўқув таълим-тарбия ишини яхшилаш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини банд этишни яхшилашда педагогларга ёрдам берсинлар. СССР Педагогика фанлари академияси пионерлар ҳаракатининг тарихи, назарияси ва методикаси соҳасидаги тадқиқотларга эътиборни кучайтирсин.

Пионер ва ўқувчиларни тарбиялашда коммунистлар ва комсомоллар, ҳар бир совет кишиси актив қатнашмоғи, бу ишни ўзининг гражданлик бурчи ва фахрли вазифаси, деб билмоғи керак.

КПСС Марказий Комитети шунга ишонч билдирадики, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти болаларни коммунистик руҳда тарбиялашда, бундан буён ҳам партия ва комсомол ташкилотларининг, совет мактабининг актив ёрдамчиси бўлиб қолаверади. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси иши учун курашга бўл тайёр!» деган жанговар шиор Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг доимий мақсади ҳамда ҳаёти ва фаолиятининг юксак моҳияти бўлиб қолаверсин.

СССР 50 ЙИЛ

Тошкент область Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози деҳқонлари бу йил юксак мажбурият олиб меҳнат қилишяпти. Улар ҳар гектар ердан 40 центнер «оқ олтин» ундиришга бел боғлашган. Суратда: озиқлантириш пайти акс эттирилган.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

УРУҒЛИК ЧИГИТ ЖЎНАТИЛМОҚДА

◆ ТЕРМИЗ. Бу йил Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларида ўттиз минг гектарга яқин ерга ингичка толали «С-60 30» навли чигит экилади. Касал юқтирмайдиган ва пахтаси эрта пишар бу янги навнинг уруғлик чигитларини Сурхондарёнинг пахта заводлари муддатидан олдин тайёрлаб, мана шу уч республиканинг ҳаммасига жўнатиб бўлди «С-60 30» навли уруғлик чигитдан икки минг тоннаси областдан бошқа районларга жўнатилди.

◆ ФАРҒОНА. Тошлоқ пахта заводи уруғлик чигитни экишга тайёрлаш комплекс планини бажариб бўлди. Хўжаликларга икки минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли уруғлик чигит жўнатилди.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, республика касаба союзлари Совети ҳамда «Билим» жамияти правлениеси СССРнинг 50 йиллик юбилейи олдидан агитаторлар самолёти ва икки вагондан иборат ташвиқотчилар бригадасини тузиб республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларига юборди.

Агитбригада аъзолари зарбдор комсомол қурилишларида ва кўпгина корхоналарда бўлиб, катта тўй—СССРнинг 50 йиллиги олдидан ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш, мамлакатимизда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказишади.

Ш. ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети лекторлар группаси мудири.

ТЕЗ ЭКИБ ОЛАМИЗ

Баҳор бошланганига анча бўлди. Лекин ер бетидан қор кетмаяпти. Тўқсон чиққанда яна қор ёғди. Об-ҳаво бюросининг маълумотларига қараганда, апрель ойида ҳам ёғингарчиликлар бўлиши кутилади. Бултур шу кезларда пахта майдонларини чигит экишга тахт қилиб қўйган эдик. Республикамизнинг жанубий областларида маккажўхори, сабзавот экинлари экилгани ҳақида хуш хабарлар эшитдик. Ҳатто бодом гуллаган эди.

Бу йилги баҳор ҳавоси мураккаб келди. Тупроқ қатламида ҳарорат кўтарилмаяпти. Бироқ бундан нўчимаслигимиз керак. Универсаллар, сеялкалар, борона лар, чизелларни тахт қилиб қўйганмиз. Экин ерларимиз кузда ўғитланиб шудгорланган, қор остида тупроқ кўпчиб ётибди. Ҳарорат кўтарилиши билан ер тез етилади. Ушанда фурсатни қўлдан бермасдан чигитни бир ҳафтада экиб бўлган деҳқонлар мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратади. Бўлимимиз пахтакорлари шуни ҳисобга олиб иш тутмоқдалар.

850 гектар пахта майдонимиз бор. 14 та универсал тракторга эгамиз. Механизаторларимиз ремонт ишларини сифатли қилиб тамомладилар, очиқ майдонда амалий машғулотлар ўтказдилар. Ким қайси пайкалга чигит экиши аниқлаб чиқилди. Бу йил чигитни 90 сантиметрли схема бўйича экамиз. Тупроқ қатламида ҳарорат пастлигини ҳисобга олиб, чигит экилаётган кезда қаторнинг икки ёнидан минерал ва органик ўғитлар қоришмаси соламиз. Уруғ ниш уриши билан ўша қоришмадан баҳра олиб тез ривожланади. Қиш фаслида ёғингарчиликлар кўп бўлди. Оқибатда тупроқнинг юқори қатламидаги ўғит қуйи қатламига тушиб кетди. Бундай шароитда чигит экиш пайтида қаторнинг икки ёнидан ўғит қоришмаси солиш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бу методни ҳамма жойда қўллаш яхши самара беради.

Бўлимимизда пахтачилик ишлари тобора кўпроқ машиналаштириляпти. Ер текислашдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган жараён тўла механизациялаштирилди. Анвар Муродқосимов, Раҳим Муҳаммадиев, Мингали Асенов каби тажрибали механизаторларимиз дала ишларини техника воситалари ёрдамида бажаряпти. Қишлоқ хўжалик илғорлари республика қурултойидан қайтгач, бригада бошлиқлари, механизаторлар, сувчилар, химизаторлар билан маслаҳатлашиб олдик. Чигитни тез фурсатда сифатли қилиб экамиз. Ғўзаларни биринчи озиқлантиришни пешмапеш бошлаб юборамиз. 500 тонна органик ўғит тўплаб ҳандакларда чиритяпмиз. Ажратилган 250 тонна минерал ўғитни ҳам ташиб олдик.

Лекин Мирзачўл шароитида пахтадан юқори ҳосил олиш учун кўрилган бу тадбирлар кифоя қилмайди. Баҳорнинг кечикиб кетиши зиммамизга катта масъулиятлар юклайди, ақл-заковат, тадбиркорлик билан иш кўришимизни тақозо этади. Бултур чигит экиш 15 кунда тугалланган эди. Бу йил фурсатни тонгма-тенг қисқартиришимиз лозим.

Бир кунда уч кунлик ишни, бир универсалда уч универсалнинг ишини бажаришимиз зарур. Фурсат тиғизлигини ҳисобга олиб ички резервларни тўла ҳаракатга келтиришимиз, ўтган йилларда бекор турган ер ҳайдаш, чигит экиш, чопиқ тракторлари, сеялкалар, борона ва чизелларни ҳам тўла ишга солишимиз зарур. Ҳамма агрегатларни тўла икки сменада ишлатганимиздагина яхши натижага эришамиз. Ҳар бир универсал ва бошқа агрегатларга оширилган нормалар белгилашимиз, унинг ишроси устидан назоратни кучайтиришимиз, сон ва сифатни бир-бирига боғлаб олиб боришимиз керак. Чигитни кенг қаторлаб, квадрат ювлаб экиш топшириқларининг бажарилишига алоҳида аҳамият бермоғимиз талаб этилади. Механизаторларимиз бой тажрибаларини ишга солиб, чигит экишни қисқа вақтда тугаллаш учун меҳнатда жасорат кўрсатишлари лозим. Фурсат шуни тақозо этяпти.

Шундагина бой берилган вақтнинг ўрнини қоплаймиз. Уруғлик чигитни шу кунларда ташиб олишимиз, сарелаб давлат стандартига мос ҳолга келтиришимиз, ҳар гектар ерга қанча чигит сарфланишини олдиндан белгилаб олишимиз мақсадга мувофиқдир. Тошкент навли ғўза чигитига эҳтиёж ортиб бормоқда. Шунинг учун уруғлик чигитни тежаб-тергаб экишимиз, бир текисда ундириб олиш учун ҳозирдан пухта тараддуд кўришимиз лозим. Шунга эришайликки, яхши тайёрланган, энг яхши агротехника муддатида ерга қадалган барака уруғи бир текисда ўниб чиқсин, тез ривож топсин.

Ҳосилни ҳар қатор, уядаги ҳар туп ғўза беради. Шунинг учун гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлишига эришмоқ бош вазифадир. Бизнинг шароитимизда ҳар гектар майдонда 100 минг тупдан зиёд кўчат бўлгандагина пахтадан кутилганча ҳосил олиш мумкин. Кўчат сонининг шу миқдорда бўлишини таъминламоқ учун айрим чигит ола чиққан қаторларга кўчат ўтказишни унутмаслигимиз, шу мақсад учун алоҳида жойларда кўчат ўстиришимиз лозим. Кўчат сонининг бут бўлишини таъминлашда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг масъулиятини ошириш талаб этилади.

Ёғингарчиликлар кўп бўлиши туфайли сизот сувлар кўпайди ва анча юзага кўтарилиб қолди. Ўша сувлар зовурларни чуқур қазиш, ирригация-мелиорация тармоқларини тартибга келтириш йўли билан камайтирилмаса тупроқ яхши қизимайди, уруғнинг униб чиқиши кечикади. Кўчатнинг ола бўлиши ҳам кўп жиҳатдан сизот сувларнинг юзага кўтарилиши оқибатидир. Чигит экишга қадар ёки чигит экилаётган кезларда бир вақтнинг ўзида сизот сувларни камайтириш чоралари ҳам кўрилса яхши бўлур эди. Бизнингча, тупроқ қазиш механизмлари ва агрегатларини тўла ишга солиш керак. Бунинг учун етарли механизатор кадрларга эгамиз.

Экин ерларимизнинг бир қисми шўрхок тупроқли. Қиш фаслида катта майдонларда шўр ювиш ўтказилди. Лекин ҳамон шўрдан тўла тозаланмаган пайкаллар бор. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб шўр ювишни ташкил этишимиз, чигитни ўсимликнинг ашаддий душмани — шўрдан тўла тозаланган ерларгагина экишимиз маъқулдир. Акс ҳолда уруғ ва меҳнатга куйиб қолиш мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ерга яхши ният билан барака уруғи қадаган деҳқонларимиз пахтадан юқори ҳосил етиштиришлари, сарф-харажатларни ўнғ ўн беш баравар ортиғи билан ундириб олишлари керак.

Баҳорнинг кечикиб кетиши чигит ўниб чиққан жойларда танлаб ғўза парваришини бошлаб юборишни тақозо этади. Бунинг учун культиваторлар, ўғитлагич агрегатлар тайёрлаб қўйилмоғи керак. Биз чигит экилиб бўлиниши билан универсалларга парвариш агрегатларини ўрнатамиз, уларни шайлаб қўйганимизга кўп бўлди.

1972 йил — синов йили, СССР ташкил топганлигининг 50 йиллиги нишонланадиган йил. Синовдан муваффақиятли ўтиш, тўйга муносиб тўёна тайёрлаш учун кўкламги экиш ишларини намунали ташкил қилишимиз ва қисқа фурсатда тугаллашимиз лозим. Вазият шуни талаб этяпти. Бўлимимиз пахтакорлари бутун кучғайрати, тажрибасини ишга солиб, гектаридан олинадиган пахта ҳосилини ўтган йилга нисбатан 10 центнер кўтарадилар. Совхозимиз бошқа бўлимларининг меҳнат аҳли ҳам шундай юксак мажбуриятлар олдилар.

Абулқосим СОБИРОВ.
Сирдарё областидаги Усмон Юсупов номли 10-совхоз пахтачилик бўлимининг бошқарувчиси

«КОСМОС-480» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1972 йил 25 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-480» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни ахборотларни ишлаб чиқмоқда давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчаш учун мўлжалланган радиосистема, приборлар ва илмий аппаратларнинг иши ҳақидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҚАНОТЛАР

1-«Боёвут» совхози Мирзачўлдаги эски, катта хўжаликлардан. У 1929 йилда ташкил этилган. Кўп тармоқли-ю иқтисодининг асоси пахтачиликдан. Қўриқ ерларига насос билан Киров каналидан сув чиқарилади. Тадбиркор раҳбар, ажойиб ташкилотчи Қундуз Рашидов директор бўлган пайтларда хўжалик экин майдонларининг ҳар гектаридан 25,5 центнергача ҳосил кўтарган.

Директор бетоб бўлиб ётиб қолди. Бош агроном унинг ўрнида бир йилча ишлаб турди. У «вақтинча турибман» деган кайфият билан жон куйдирмади. Ундан кейин директор бўлиб келган А. Мирзаевнинг эса бир оёғи совхозда бўлса, бир оёғи Тошкентда бўлди. Ўзини хўжаликнинг чинакам хўжайини деб ҳис этмади, меҳмондек бир йилгача меҳмонхонада ётиб юрди.

— Совхоз системасини билар эдию, — деди партия комитетининг секретари Холбек Омонликов, — одамларга аралашиб кета олмади.

— Нега бўлмаса икки хўжаликни ўтиртириб қўйган, одамлар билан ишлолмайдиган кишини юборишди?

— Билмадим. Баъзан ошнаоғайнигарчилик ҳам кадрларни танлашда кишини чалғитиб қўяди...

Шундай қилиб, совхоздаги аҳолининг анча қисми бошқа колхоз, совхозларга кўчиб кетди. Ҳосилдорлик 14 центнерга тушиб қолди.

Бу ҳол Боёвут район ва Сирдарё область партия комитетларини жиддий ўйлантириб қўйди. Ўйлаб-кенгашиб, қолоқ колхозни илғор хўжалик даражасига кўтарган Содиқ Отахонович область партия комитетига чақиришди:

— Шу совхозга борасиз.

— Совхоз системасида ишлаганим йўқ, яхши билмайман. Унинг ўзига хос жиҳатлари, икир-чикирлари бўлади.

— Хўжалик ишларини аста-секин ўрганаверасиз, агроном бор, инженер бор, иқтисодчилар бор. Керак бўлса биз ҳам ёрдам берамиз. Одамларнинг бошини қовуштириб, ўн тўрт центнерга бир центнер қўшсангиз ҳам раҳмат деймиз. Одамшунослик дарслиги йўқ. Ҳар бир раҳбар уни ўзи яратади.

«Тўғри, — деди Содиқжон ўзига-ўзи. — Биз хўжаликнинг юксалишини айтмоқчи бўлсак ҳосилни тилга оламиз, машиналарни, даромадни. Одамларнинг ўсганини, уларнинг маънавий даражасини айтиш керак аввало. Хўжаликни чўктириб қўядиган ҳам, яшнатадиган ҳам ўшалар. Меҳнатимизнинг ўзи ҳам ўшалар учун-да».

Содиқжон совхозни қабул қилди. Пландаги 25,5 центнер ўрнига 14 центнердан ҳосил кўтарган совхозни. Хўжалик йилини миллион сўм зарар билан якунлаган совхозни. Директор фондига қаради. 70 сўм пул бор экан. Ун тўрт минг аҳолиси, 1665 хонадони бор хўжаликка-я! Қишлоқларда ҳар кун бирон жойда тўй, аза, маъраса бўлиб туради. Бирон қария ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Бу етмиш сўм нимага ямоқ бўлади!?

Совхоз партия комитетининг секретари—вазмин, мулоҳазали Холбек Омонликов билан маслаҳатлашди. Холбек Тошкент олий партия мактабини битирган, район партия комитетида бўлим мудири бўлиб ишлаган, совхозда ишчилар комитетининг раиси бўлган. Одамларни билади. Хўжалик, деҳқончилик ишларига ҳам кўзи анча пишиб қолган экан. Директор ундан совхознинг бундай чўкиб қолишининг сабабини сўраганда, у ташкилий, тарбиявий ишлар билан бирга яна бир нарсани айтди:

— Мирзачўлнинг юқори қисмида янги Зафаробод райони ташкил этилган. У районнинг ерлари бизнинг совхоздан 35 метр баландда. Ер ости сувлари оқиб келиб, совхоз экинзорларини ишдан чиқариб қўйди. Зовурлар тайёрлаб қўймаган эканмиз олдинроқ.

— Демак, биринчи навбатда захни қочириш керак.

Директор партком секретари билан биринчи «Коминтерн» бўлимига борди. Ишчиларни йиғиб ялангда ўтириб гаплашди. Очиқчасига, юракдан. Уларнинг талабларини, эҳтиёжларини ёзиб олди қўйин дафтарига. Уддасидан чиқадиганларига ваъда берди «фалончи кун бу талабни бажараман» деб. Қўлидан келмайдиганларини бошқа идоралар билан боғлик талабларни ҳозир ҳал қилолмаслигини айтди. Ишчиларнинг молларига беда, сомон бўлиб бердирди.

Иккинчи кун иккинчи Дзержинский бўлимида шундай суҳбат ўтказди.

Тўққизинчи куни тўққизинчи бўлимда маслаҳат-кенгаши ўтказиб кишиларнинг кўчиб кетишининг сабабини суриштирди.

— Ерларимиз мижғовланиб қолган. Яхши ҳосил бермаяпти.

— Бу бизнинг, совхоз раҳбарларининг айби. Зовурларни кўпайтирамиз. Маҳаллий ўғитни ҳам унутиб қўйибмиз.

— Ҳақ оз.

— Ҳосил кам бўлгандан кейин ҳақ ҳам оз бўлади-да. Бунда совхоз, қисман ўзларинг ҳам айбдор.

Шундан кейин совхоздан бировнинг кўчини арава ёки машинага ортиб кетаётганини ҳеч ким кўрмади. Кўч-кўлонини кўтариб келаётганларни кўришди.

Дала ишларига киришилди. Саккиз минг гектар ердан фақат 70 гектарнинг шўри ювилган экан. Шудгор жуда саёз, 16-17 сантиметр қилинган. Айрим пайкалларга плуг мутлақо кирмаган. 238 коммунистни бригадаларга сафарбар этишди. Ҳамма раҳбарлар, директорнинг ўзи ҳам одамлар билан бирга юриб, чопиқ чопди.

Тўпиқ деган жойда тўрт йиллик суперфосфат тепа бўлиб ётган экан. У бўлимларга бўлиб берилди.

Совхознинг тўрт юз гектар бедазори бор. Беда экишга эса 1 килограмм уруғ йўқ. Уруғчилик хўжалигида-я! Бедапоялар 6-8 йиллик бўлиб кетган. Яхши ҳосил беряпти, деб бузишмаган экан. Уруғ сотиб олиб, уч йилликдан ортиқ бедапояларни бузиб қайта экишди. 22 тонна уруғ олишди. Алмашлаб экиш жорий этилди.

Совхозда шоличилик бригадалари бўлиб, Султонҳовуз массивидан саккиз юз тонналаб ҳосил кўтаришган.

— Қани ўша бригадалар?

— Тарқалиб кетган.

— Нега?

— Директор шоли эктириб, ҳисоб-китоб қилмаган, ҳақини тўлашмаган. Ташлаб кетишди.

Содиқжон тажрибакор деҳқонларни топиб, гаплашди. Шоликорлик бригадаси тузилди. Биринчи йилиёқ 680 тонна ҳосил олишди. Совхознинг пахтачилиги ҳам юксалиб, ҳосилдорлик 21,7 центнерга етди. Бир ярим миллион сўмдан ортиқ фойда кўрди.

1971 йилда ҳосилдорлик 27,4 центнерга етди. Совхоз 4 миллион 653 минг сўм фойда олди.

Бу совхознинг ҳамма тармоқларини юксалтириш, ободончилик, маданий ишларни кучайтириш имконини берди. Орзу-ҳавасларга кенг йўл очилди...

Чорвадорлар шаҳарчаси, чорвадорлар клуби қурилди.

Эллик гектарли мевазор боғ барпо этилди.

Хўжамушкентда пионер лагери қад кўтарди.

Совхоз Бахт уйи қурилди.

Директор райондаги йиғилишга кетган экан. У келгунча совхоз посёлкасини айландим.

Идора олдида чойхоначи Мирзаали ота билан суҳбатлашиб қолдим.

— Падарига минг раҳмат, Содиқжоннинг. Бетоб бўлиб қолганимда катта бошини паст қилиб суриштирди. Икки марта курортга юборди. Мана, шифо топиб келдим, отдай бўлиб. Кекса деҳқонларни, Ватан уруши мажруҳларини ҳар бир байрамда эслашиб, мажлисга чақириб, мукофотлар бериб туришади. Кўнгилда. У билан биз бойиб кетмаймиз, совхоз камиб қолмайди. Кўнгил озиғи, Гоҳо одам жуда муҳтож бўлиб қолади эътиборга...

Директор кабинетида чироқ ёнди. Кирдим. Содиқ ака телефонда район билан гаплашаётган экан:

— Солижон ака, битта автобус бермасангиз жуда уятли бўлиб қолдик ишчилар олдида. Йўлар узоқ, болалар мактабга пиёда қатнашяпти. Гоҳо кеч қолишади, ота-оналари хавотирланиб ўтиришади. Ўқитувчиларнинг ҳам кўнгли жойига тушмайди.

Кабинетга ўрта бўйли бир йигит кириб, саломлашиб, нарядни берди. Чиқиб кетаётганда директор уни тўхтатиб сўради:

— Нима гаплар бор бўлимда?

— Одамларнинг кайфияти яхши, Техникамиз шай. Об-ҳаво юришиб кетса, экишга киришамиз.

Йигит чиқиб кетгач, директор менга қараб:

— Дуруст йигит бўлди, — деди.

— Нега «бўлди»?

У «дуруст йигит бўлган»нинг воқеасини айтиб берди.

Содиқжон совхозга янги келган пайтлар эди. Кечқурун идорада ёлғиз ўтирганида бир йигит ариза кўтариб келди. Уч нусхада. Иккинчи бўлимда ишларкан ўзи:

— Сиз совхозда янгисиз. Бўлим бошқарувчимиз кўп пулларни ўзлаштириб, қўйларни еб юборди, — деб ёзилган эди аризада.

Содиқжон туни билан ухлолмади. Хаёлида совхознинг ҳамма мол-мулки талон-торож бўлиб кетяпти-ю, директор томошабин бўлиб ўтиргандек. Соат тўртларда туриб, бўлим бошқарувчисиникига борди. У ердан иккови соат олтиларда ҳалиги йигитникига боришди. Йигит дастурхон ёзди, чой-нон келтирди. Амакиси ҳам келди. Содиқжон уларнинг олдида воқеани айтиб берди. Йигит бошини ердан кўтара олмай қолди. Амакиси:

— Бола бировнинг гапига учиб беъманилик қилибди, — деди,— Мана шу Шоймом эди бунинг тўйини устида турган, ёрдам берган. Раҳмат дейиш ўрнига туҳмат қилибди. Бизнинг юзимизни ерга қаратибди. Кечирим сўра ҳозир, шу ерда! — деди амаки жиянига қараб. Сўнг директорга ўгирилди:

— Сизга ҳам раҳмат, директор. Бунақа миш-мишларнинг вақтида олдини олмасангиз калава чўзилиб кетади. Қанча одамлар ишдан қолади. Жиянимиз, жиянимиздан ўтибди, қанча жазо бермасангиз арзийди.

— Мана шу йигит эди ўша ариза кўтариб келган, — деди Содиқ ака. — Жаҳлим чиқиб, сувни лойқалатиб юрганлардан бирининг баҳридан ўтай ҳам дедим. Сўнг обком секретарининг бир сўзи эсимга тушди: «Яхши одам олтиндай гап. У олдингга келиб, мен яхшиман, катта ишларни қила оламан, демайди. Олтин қидиргандай уни қидиришинг, қавлаб топишинг, саралашинг зарур. Ёмон отлиқ бўлганларнинг орасидан ҳам қидир. Ёмон десанг ёмон бўлиб кетаверади одам». Ёшлигини, хатосини бўйнига олганини инобатга олиб, ўша бўлимда ишга қолдирдик. Ишлаяпти. Бинойидай. Сабоқ бўлди ўзига ҳам, бошқаларга ҳам.

Директор совхоздаги одамларни мактаб ўтирибди. Партком секретарини, агрономни, ҳар бир ишчи, ҳатто коровулни ҳам. Ун тўрт минг аҳоси бор совхозда бironта ҳам ёмон йўқ. Мен эса негадир океан қушини эсладим, албатросни. Жасур, учқир қушни. У ерга ёки қояга қўниб турганида кучсиз. Олақарга ҳам уни чўқилаб ташлаши мумкин. Учолмайди. Учиш учун қоядан ўзини тошдек пастга ташлайди. Узун, шамширдек қаноти ёзилгач унга бас келадиган қуш топилмайди. Унинг кучи — парвозда, қанотларида. Содиқжоннинг қаноти эса шу одамлар. Ўшаларга таянади, ишонади, ўшалар билан парвоз этади.

— Кеч бўлди, дам олинг, — дедим. — Иш кунингиз ҳам чўзилиб кетди.

— Урганиб қолганмиз, — деди Содиқ ака столидаги қоғоз, ҳужжатларни тартиб билан бир четга суриб қўяркан. — Утган йил НОТчилар келиб, директорнинг иш кунини ўлчаймиз, дейишди. Терим пайтларида ўн саккиз соатга етиб қоларкан. Сезмасакамиз-да ўзимиз.

Ташқарида шамол эсиб турибди. Дарахтларнинг шохлари бир-бирига суяниб, салобатли тебранади. Табиат уйғонмоқда. Ердан, дарахтлардан, ҳаводан ёмғир, баҳор ҳиди уфуриб турибди.

С. НУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АХБОРОТ

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ҚЎШ ПРОГРАММАЛИ КЎРСАТУВ

Сурхон воҳасидагилар шу вақтгача телевизорнинг фақат биринчи программадаги кўрсатувларини томоша қилар эдилар. Энди улар Тошкентдан бериладиган телевизион кўрсатувларнинг иккинчи программасидан ҳам баҳраманд бўлишяпти.

Чехословакияда ишлаб чиқарилган «Зона» телевизион передатчиги Жарқўрғон районидаги Ҳовдак ретрансляторига монтаж қилинди. Шу йўл билан иккинчи программадаги кўрсатувларни томоша қилиш имкони туғилди.

ТУТУНСИЗ ОЛОВ

Бухоронинг ҳар бир хонадонидаги қозонни тутунсиз қайнатган «зангори олов» шаҳар типидаги яна уч посёлка, тўрт совхоз, ўндан ортиқ колхоз хонадонларига ҳам кириб борди. Эндиликда Бухоро газидан катта-катта саноат корхоналари ва муассасалар ҳам фойдаланяпти.

Областдаги 60 дан ортиқ корхона, 850 коммунал-маиший муассаса «зангори олов» ёрдамида ишлаяпти.

САҲНАДА «МАМАНБИ»

Бердаҳ мунофотининг лауреати драматург С. Хўжаниёзов таниқли ёзувчи Т. Қайпбергеновнинг «Мамачби афсонаси» асари асосида «Маманби» драмасини яратди. К. С. Станиславский номидаги қорақалпоқ давлат музикали драма театри коллективи янги асарни саҳналаштирди. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Н. Ангсатбоев-Маманби, Д. Ранов-Омонлик ролларини ижро этаётирлар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА

НУКУС, (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг якунлари ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ГУЛИСТОН, (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг бўлиб ўтган пленуми область партия комитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг якунлари ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш борасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилди.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Хоразм область партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг якунлари ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов шу ҳақда доклад қилди.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

24 мартда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлди. Сессия колхоз уставига риоя этилишини контроль қилиш соҳасида областдаги маҳаллий советларнинг иши тўғрисида область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Т. Тошқуловнинг докладини муҳокама қилди.

Сессия область Советининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссиясининг ҳисоботини ҳам кўриб чиқди.

Муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

Суратларда: (юқоридан пастга). 1. Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг тепловоз цехи коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, меҳнатсевар слесарь Ҳалим Қосимовни корхона коллективи ҳурмат қилади. Ҳ. Қосимов 25 йилдан бери шу корхонада муқим туриб ишлаётир. Смена топшириқларини эса муттасил ошириб адо этмоқда. 2. Тошкент «Компрессор» заводининг йиғув цехи фидоқорлари Қўчқор Ғозиев ва Пётр Синяев ўртоқларни ишлаб чиқариш жонкуяри деб аташади. Улар коллективнинг бу ишончини оқлаш учун баракали меҳнат қилишаётир.

И. Глауберзон фотолари.

ЛАТИШ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

РИГА. «Лиесма» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1972 йил 20 мартда СССР касаба союзлари XV съездида сўзлаган нутқи текстини «КПСС XXIV съезди қарорлари — совет касаба союзлари фаолиятининг жанговар программаси» деган ном билан латиш тилида брошюра қилиб чиқарди. (ТАСС).

ТАШАББУСКОРЛАР

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг ташаббуси билан чорвадорларга ёрдам кўрсатиш мақсадида элликдан ортиқ врач ва юзга яқин фельдшер узоқ яйловларга жўнаб кетган эдилар. Яқинда Қарши шаҳридаги соғлиқни сақлаш идораларининг 20 дан ортиқ малакали врачлари. 50 га яқин ўрта маълумотли медицина ходимлари ҳам ташаббускорлар сафидан ўрин олишди.

Қашқадарё область соғлиқни сақлаш бўлими мудири ўртоқ Б. Вафоқуловнинг айтишича, ҳар бир отарга биттадан медицина ходими биркитилган. Фермаларда малакали врачлар навбатчилик қилишяпти.

Э. Обилов, Ш. Қурбонов, А. Раҳимберганов, И. Маҳкамов, Ҳ. Муродов, Ш. Эшмуродов, М. Холмуродов, Н. Нуритдинов каби малакали врачлар чорвадорларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ташаббускорлари бўлишди. Улар чорвадорлар ўртасида ўзларининг мазмунли лекция ва суҳбатлари билан қатнашмоқдалар. Фермалар билан доимий алоқа ўрнатилган. Зарур бўлиб қолганда врачлар вертолётда узоқ яйловларга учмоқдалар, чорвадорларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Медицина ходимлари то қўзилатиш мавсуми тамом бўлгунча яйловларда — отарларда навбатчилик қиладилар, чорвадорларнинг оила аъзоларига ҳам катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

МИЛЛИОНЕР ЦЕХ

Ўзбекистон олимлари ва инженерларининг қатнашувида чигитни комплекс қайта ишлаш янги методини мамлакатда биринчи бўлиб қўллаган Қўқон мой комбинатининг тажриба саноати цехи лойиҳадаги қувватга эришди. Комплекс технология яхши сифатли мой олишга ҳамда ишлаб чиқариш чиқитларидан тўла-тўкис фойдаланишга имкон беради. Бултур цех олган фойда комплекс технология яратишга сарфланган ҳамма ҳаражатларни ошиғи билан қоплади.

Ҳозирги вақтда давлат банкидан қарз олган Қўқон комбинати ишлаб чиқаришни янги технология асосида кенгайтирмоқда. Бу нарса чигитни қайта ишлаш чиқитларидан ғоят пишиқ автомобиль шиналари ясашга зарур госсиполь антранилати деган қимматли химиявий маҳсулот олишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги мой саноати бош бошқармасида ЎзТАГ мухбирига маълум қилинишича, тўққизинчи беш йиллик мобайнида республикада олтита шундай цех қуриш мўлжалланади. Бу эса республикада ҳар уч тонна чигит мойнинг бир тоннаси янги прогрессив технологияда ҳосил қилинажагини билдиради.

БЕБУРД ВАЪДАЛАР

Тошкентдаги 22-гастрономнинг озиқ-овқатлар бўлимига одатдагидан бўлакча «харидорлар» киришди. Уларнинг авзойини кўриб, сотувчининг ҳуши учди:

— Келинглар, хўш хизмат?

— Мулозаматни йиғиштир, ука! — деди харидорлардан бири қўлидагини очиб прилавкага қўяркан. — Бу нима?

— Буми, бу колбаса.

— Буни аввал ўзинг татиб кўрганмисан?

— Мендан нима истайсизлар?!

Сотувчи харидорларнинг ўткир қарашларига бардош беролмади. — Дўконимизга шу ҳолда юборишса, мен нима қилай?! Сотгин дейишувди, сотдим! Арзларингизни Янгийўлдаги колбаса заводига бориб айтинглар!

Эртаси куни гастрономдан 611 килограмм «олий нав» колбаса технологик талабларга жавоб бермаганлиги сабабли заводга қайтариб юборилди. Аммо колбаса харид қилганлардан шикоят ёғилаверди.

Шу тариқа, Янгийўл экспериментал-колбаса заводи шаънига таъналар қўпайиб кетди. Маҳсулот стандартлари ва ўлчов техникаси бўйича республика давлат назорати лабораторияси ходимларидан ташкил этилган комиссия заводда тафтиш бошлади. 1873 килограмм «Полтава» колбасасини реализация қилиш ман этилди. 1275 килограмм «Тошкент» қазиси, 2980 килограмм биринчи спорт мол гўштидан тайёрланган колбасанинг намлиги нормадагидан ортиқлиги ҳолда реализация қилинганлиги аниқланди. Завод директори Наби Жумабоев безовталаниб қолди.

— Заводимиз экспериментал эканлигини эсдан чиқармангилар, — деди у ярим ҳазил, ярим чин оҳангда. — Корхонамиз янги колбаса турларини тажриба-синов тариқасида тайёрлашга ихтисослаштирилган. Янги ишда нуқсонлар бўлиши табиий.

— Етишмовчилик ҳам эви билан-да, ўртоқ директор, — таъкидлади текширувчилардан бири. — Колбаса тайёрланаётган гўштнинг 21 процентини пай, гўшт пардалари ташкил этяпти. Бу белгиланганидан 16 процент ортиқча демак. Келинг, шуни 15 процент деб олайлик. Агар корхонангизда бир кеча-кундузда 20 тонна колбаса тайёрланса, 3 минг килограмм гўшт қийиб қолинади-я! Шунча гўштни пулга чақиб кўринг-чи!.. Бу маблағ кимнинг ҳамёнига тушади-ю, кимлар ундан зарар топади. Бу эл кўзини бўяш эмасми?!

— Мен бу томонини ўйламабман. Йигитларимиз тушунибми, тушунмайми, ҳазил қилишган бўлса керак. Акаси тушмагурлар-ей, ишлаб чиқариш билан ҳазиллашиб бўладими! Ўзим уларни тартибга чақириб қўяман. Биринчи дафъа маъзур тутинглар. Иккинчи бор такрорланмаслигига ҳаракат қиламиз. Ваъдамиз қатъий! Келишдикми?

Наби Жумабоев кўзларини жовдиратиб, текширувчилардан узр сўради. Улар директорнинг «сидқидилдан» айтган сўзларига ишонишди. Директор ишни бостн-бости қилганидан мамнун ҳолда қўлларини бир-бирига ишқаб, ўз хонасига кирди-ю, лабини тишлаб бош чайқади:

— Бай-бай, бир туридан 3 минг килограмм гўшт-а! Ҳалиям, текширувчиларимиз диёнатли экан. Олий сорт мол гўштига 18 процент пай-май қўшаётганимизни тилга олишмади. Аслида, чорак процент ҳам қўшиш мумкин эмас. Йигитларимни бир «қулоқ чўзма» қилиб қўймасам, бўлмайдиганга ўхшайди.

Директор шу хаёл билан бош инженер Наум Пироговский, ишлаб чиқариш лабораторияси мудири Василий Тучков, бош бухгалтер Багреев, колбаса цехи бошлиғи Рўзи Қўчқоров, катта технолог Юнус Умаровларни кабинетига чақирди.

— Ҳаддларингдан ошяпсанлар! — ер тепиб ўшқирди Наби Жумабоев. — Тошкентлик текширувчилар олдида юзим шувут бўлди. 5-10 процент бўлсая гўрга-я, 18-20 процентгача пай қўшинглар, деб ким айтган сенларга-! Қилмишларинг учун жавоб берасанлар!

Шу пайт қўрқа-писа Юнус Умаров ўрнидан турди.

— Қа-қаҳимберганов топсанг қор ёнади, девдингиз-ку, Набижон ака.

Гапни Наум Пироговский давом эттирди:

— Тошлардан ўт чиқишини ҳамма билади, кесаклардан ўт чиқара билиш керак, деганингизни биз бошқача тушунган эдик.

Бош бухгалтер Багреев эса, директорга ўз садоқатини намойиш этаётгандек, ярим хушомад оҳангда деди:

— Тафтиш давомида ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулот ҳақида текширувчиларга справка бермадим. Улар роса хуноб бўлишди. Ажаб қилдим! Рақибларимизни доғда қолдирдик!

— Бас! — директор полни тепди. Юнус бўйнини қисди. Наум Пироговский эса турган ерида сихдек қотди. Директор ўз қўл остидаги кишиларга таъсири зўрлигидан кўнгли кўтарилиб, қошлари керилди:

— Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур, деганларидек бўлмасин! Ўғри бўл — инсофли бўл. Бундан кейин етти эмас, уч ўлчаб бир кесишни одат қилинглар. Гап тамом!

Орадан тўрт ой ўтди. Бош инженер Н. Пироговский стандартлар бўйича давлат назорати лабораториясига: «Ишларимиз беш! Колбасаларимиз бозори чаққон. Утган давр мобайнида бironта ҳам шикоят тушмади», — деб ахборот берди. Ҳолбуки, худди шу пайтнинг ўзида Тошкент шаҳар Куйбишев «Райпишеторг»гига қарашли 33-магазин ва 22-гастрономлардан: «Янгийўл колбасасидан дод!» — қабилида хатлар келиб турган эди. Заводда яна текшириш бошланди. Бу гал 1279 килограмм ярим дудланган «Полтава», 2000 килограмм чўчқа гўшти колбасалари технологик талабларга жавоб бермаганлиги аниқланди. 5708 сўмлик маҳсулот реализация қилинмай, 1971 йил сентябрь ойи планидан чегириб ташланди.

— Бу ҳам ҳазилми? — сўради текширувчилар корхона директоридан.

Н. Жумабоев ердан кўз узолмай жавоб берди:

— Учдан кейин пуч. Бу деганим шуки, учинчи марта такрорланмайди...

Директор «учдан кейин пуч» деб ваъда берганидан кейин икки ойча вақт ўтди. Давлат назорати лабораторияси текширувчилари қайта тушган сигналлар бўйича яна Янгийўл томон отланишди. Жумабоев буни сезганданми, бош инженер Пироговскийга: «Тобим қочганга ўхшайди, бориб дам оламан. Биров сўраб қолса, ўзимизнинг ўша эскича бурама жавобдан қилавер», — деб тайинлади. Хонасидан энди чиқаётганда тафтишчилар келиб қолишди. Жумабоев қовғини уйди, икки қоши ўртасида тугун пайдо бўлди...

— Бизнинг заводдан бўлак корхона қуриб қолибдими?!— тўнғиллади директор. Юзлари шолғомдек қизариб, гўё зарур йиғилишга отланаётгандай қоғоз-поғозларини зарда билан жилтга жойлади-да, эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди.

Заводда текширув давом этди. 1300 килограмм қайнатилган «Любитель» олий нав колбасасида ёғлар ортиқча эриб кетгани аниқланди ва маҳсулотни бу алпозда ишлаб чиқариш тақиқланди. Бошқа хил колбасаларни тайёрлашда гўшт категорияларига ҳеч риоя қилинмаётганлиги фош этилди. Олий нав мол гўштида пай-май миқдори 3,5 процент **(технология бўйича қатъиян ман этилади)**, биринчи сорт гўштда 12 процент **(нормада 6 процентгача рухсат берилади)** эканлиги таъкидланди.

— Тирноқ остидан кир қидиряпсизлар! — дўқ-пўписа йўлига ўтди бош инженер Пироговский. — Устларингиздан юқори ташкилотларга арз қиламиз!..

Стандартлар ва ўлчов техникаси бўйича Республика давлат назорати лабораторияси ҳамда Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги давлат инспекцияси вакиллари 1971 йил давомида Янгийўл экспериментал-колбаса заводи 28 минг 730 килограмм колбаса маҳсулотларини тайёрлашда техникавий ва қимёвий камчиликларга йўл қўйганлиги учун брак қилди.

Н. Пироговский, В. Тучков ва Р. Қўчқоровлар устаси фаранглардан экан. «Инспекторлар текширавериб, бизни ишдан қолдиришяпти. Ишлаб чиқариш планини бажариш ва маҳсулот сифатини ошириш имкони бўлмаяпти», — деб жар солишди. Бироқ ҳеч бир натижа чиқмади.

Корхонада ҳамон маҳсулот стандартига риоя қилинмаяпти. Тайёрланган колбасалар технологик талабларга жавоб бермайди. Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигидаги масъул ўртоқлар бунга нима дейишар экан?

Ҳ. ҚОДИРОВ,
И. ГАЗИЗОВ.

Адабиёт ВА САНЪАТ

Тонг йўли

Тонг олди энтикиб қарайман
кўкка,
Лоларанг сарҳадга ёзилар чирой.
Енбошлаб оҳиста ғарбий уфққа,
Осмондан сирғалиб кетар нурли
ой.
Бу оний қўшиққа бағишлаб
достон,
Яшнаб бош кўтарар тоғлардан
қуёш.
Эй, сен, тонг — йўлимда илҳом-
бахш довон,
Бунча беғуборсан ва бунча ёввош!
Умид-ла қўзғолар инсон шу замон
Ҳар ким ўз постига бормоғи
керак.
Кимдир фарзандини кўради омон,
Тонглар дийдоридан топгандай
дарак.
Порпираб қолади кўнда ол
байроқ:
Қуёшга бурканар ногоҳ бир ўлқа.
Қайдадир, мангулик бўлгудай
қўноқ,
Тун билан судралар қора бир
нўлка.
Отлар дупуридай қийқириб
шодон,
Ҳарсиллаб арғумоқ поездлар
келар.
Оқиб кела бошлар ол байроқ
томон,
Бағрида тонготар расми, кўп
эллар.
Сенин қўзғолади борлиқ мавжудот,
Бошини силайди кўкламги шамол
Бўронлар қўйнидан топади нажот,
Елларга ёрилиб, чаққнаган малол.
Ва байроқ остида саф қурар
бир-бир,
Ота-боболардан қолган шод умид,
Оёқлар остида депсалган тақдир,
Энди тонг йўлида қолажак унут.
Аста от солади карвонлар мағрур
Дадил қарашларда юз очар
тонглар.
Улар борар энди, дилда тошиб
нур,
Нурга ташна борар тонг отар
онлар.
Олдинда нур кийиб, аврамас
сароб,
Фақатгина тонг бор, кундуз бор
олдда.
Унда ҳақиқатдир — порлаган
офтоб,
Ҳаёт унда ҳушрўй ўсмирдек содда
Сафлар кўчаётир орзулар оша,
Ҳар томон кетурлар бир қарашда
шод,
Аслида тонготар йўлидан бошқа
Бирон бир йўл бўлса, улар учун
ёт,
Елғиз коммунизм йўли бор
мангу, —
Озодликдан ўзга йўл йўқ бу
замон.
Қуёш дийдорига бошлар ерни у,
Бу йўлда Ленинни топгуси жаҳон!

Чўлпон ЭРГАШ.

ФАРҒОНАЧА ҮИИН
Э. Тўраев фотоэтюди.

«Совет Ўзбекистони» конкурсига — Ҳожи АҲМАР.

ЧОЛЛАР

ҲИКОЯ

Камина нақ ўн йиллик танаффусдан кейин туғилган қишлоққа бориб қолдим. Йўлни тўғри ўзимиз яшаган эски қовлига бурдим. Лекин эшикка етиб боргач, хаёлга толдим. Уйнинг ҳозирги соҳиби Қорабой бобо мени ногаҳон кўриб қолдию, ҳаш-паш дегунча ўн-ўк беш чоғли мўйсафид чоллар ўтирган меҳмонхонага олди. Сукут қилиб ўтирган чоллар, Қорабой бобо ўғилларидан бирининг ҳамтоғи келди деб ўйлашди шекилли, менга эътибор беришмади. Камина ҳам уларнинг суҳбатига қоришмадим.

Хулласи калом, уйнинг қоронғироқ бурчагига суқилиб ўтирар эканман, нима синоат экан деб, қулоғимни динг қилдим. Аҳён-аҳёнда ташланиб турган луқмалардан шуни тушундимки, қишлоқдан йигирма чақиримча нарида, икки тоғ орасида жой қилиб, бутун умри яккамохов бўлиб яшаган Парпи полвон яна юртига қайтиб келибди. Унутиб юборилган жияни Қорабой бобо ҳовлисидаги бир хонани ижозатсиз эгаллаб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб ҳам олибди. Юртчилик дегандек, қишлоқнинг катта-кичик қариялари йиғилиб, «энди буёғи қандай бўлади»? деб ўтиришган да, эшикдан камина кириб борибман.

Одатда, киши ҳаётига якун ясалганда гап фақат яхшилик устида бормоғи жоиз. Аммо умрида бировга яхшилиги тегмаган, икки одам олдига дастурхон ёзиб, битта нон синдирмаган худбин, зиқна, бунинг устига обдон бадфеъл бўлган шахс ҳақида гапирганда, яхшилик сўзини оғизга олиб бўлмайди. Чоллар нинг сукут қилиб ўтиришлари боиси ҳам шу экан.

Ҳа деб жим ўтиравериш жонга тегди шекилли, чоллардан бири бошини кўтарди:

— Эсиз умр, садқаи одам! — деди ва яна сукутга кетди.

Янглишмасам, бу чолнинг исми Нормат ака. Бир вақтлар темирчи, донғи кетган уста эди. У трактордан тортиб соатгача, самолётдан тортиб балдоққача — ҳаммасини тузатаверар эди. Кенг яғринли, паҳлавондек одам эди. Лақаб қўйиш одат бўлган бу қишлоқда у Нормат чўтир деб аталарди. Лекин бутун қишлоқ уни ҳурмат қиларди. Эсимда, биз қишлоқдан кўчиб кетаётганимизда у белбоғидан иккита кулча чиқариб, бирини менга, бирини акамга берган эди. Ўшанда айтган гаплари ҳам эсимда: «каттаси—каттасига, кичиги—кичигига...».

Ҳозир соқол-мўйловлари оппоқ, чўтири ҳам билинмай кетибди...

Унинг ёнидаги қора чакмонли чол ким эди?... Қиёфаси таниш, лекин на исми, на лақаби хотирда йўқ...

Учинчи чол Норқўзи қизил. Юзи хўрознинг тожидек қипқизил, ўзи ҳам даканг хўроздек баджаҳл бўлганидан лақаби шунақа эди. Унинг ажойиб боғи бўлар, биз — тухумдан эндигина чиққан жўжалар эса, донни кўпроқ ўша ердан қидирардик. Умуман, у қишлоқ Мичурини эди. Қачон карасангиз, у дарахтни бу дарахтга улагани-улаган эди. Қаерда яхши кўчат бор деб эшитса, эринмай борар ва келтириб экар эди. Биз боққа ўғирликка тушиб юрганимизда унинг қирқ тупча Олмаота навли олмаси бўларди. Бу олмаларнинг кўчатларини қизил атайлаб Олмаотадан олиб келган деб эшитардик... Яқинда газетада унинг ўғли ҳақида очерк ўқидим. Ўғли мандарин етказиб, ундан ажойиб ҳосил олибди...

Тўртинчиси Алим тепа. Колхозда бригадирлик қилар, лекин номи ўн юртга маълум улоқчи эди. Қаерга улоққа бормасин, уни тақимига босиб келтирар, у билан ҳатто биз, болалар ҳам фахрланардик (ҳовлиси тепаликда бўлганидан лақаби тепа эди).

Қорабой бобо болаликдан тортиб, ҳозиргача бутдой эккан одам. Бу борада ундан ўтадигани йўқ. Бунинг устига, ўғли Қаҳҳорбек ака урушдан «Шуҳрат» орденининг учала даражасини олиб қайтган...

Анови чол умр бўйи канал қазиган. Бир гал сув тагида қолиб, ундан омон чиққан... Унга мен ҳали-ҳали қўрқув аралаш эҳтиром билан қарайман. Лақаби, янглишмасам, шер. Ҳа, уни Турди шер дейишарди...

Гап келганда айтиб кетай: бизнинг бобонинг лақаби чўлоқ, отамиз лақаби новча эди...

Қисқаси, бу ерда ўтирган чоллларнинг ҳаммаси яхши кишилар. Улар ичида биттагина Сотволди ғирром. У бутун умр юмалоқ хат ёзиб, қишлоқни алғов-далғов қилиб келган одам. Юмалоқ хатларнинг кўпи қишлоқ домласи Болтабой мулла бошига ёғилади, деб эштардим. Ҳозир бўлса ғирром мулладан анча қуйида қўл қовиштириб ўтирибди. Бунинг устига, унга ёввош-ёввош қараб ҳам қўяди. Е алҳазар!

Елғон бўлмасин, ғирромнинг кўзлари қоронғидан мени ҳам қидириб топиб, икки-уч марта қараб-қараб қўйди. Наҳотки таниди?... Ахир, у билан бирон марта мулоқат қилган эмасман. Қишлоқдан кетаётгандаку биз кичкина бола эдик...

Ҳа, айтгандек, қишлоққа охирги марта келганимдами ундан олдинми, ғирром осавиахимнинг қизил дафтарчасини кўрсатиб, уч одамга дўқ қилиб тургани устидан чиққанман. Лекин шунда ҳам сўзлашган эмасман. Тўғриғоғи, ғирром мени назар-писанд қилган эмас...

Сукунатни бу гал Норқўзи қизил бобо бузди:

— Вақт ўтаверар экан, — деди у ҳеч кимга мурожаат қилмай.

— Парпи чўч... Э, Парпи полвон юртидан кўчиб кетибди дегани кечагина эди. Бугун қарасам, шунга ҳам эллик йил бўлибди.

— Ҳозир нечага чиқдингиз? — савол берди кимдир.

— Иккам саксонга, — деди чол, кейин Қорабой бобога мурожаат қилди: — Парпиполвон сеникига охирги марта қачон келиб эди?

— Уруш тамом бўлган йил, Қаҳҳорбек армиядан қайтганда.

— Ўшанда ҳам Қаҳҳорбекни кўргани эмас, ўз ўғлини суриштириб келибди, — изоҳ берди қора чакмонли чол.

— Мен ҳам бор эдим, — деди Алим тепа бобо. Қаҳҳорбекнинг кўкраги тўла орден. Қорабой акага нима дейди денг: ўғлинг қочиб-почиб келган бўлса керак... Вой уйинг куйгур полвон!

— Ҳе-ҳе-ҳе, — гапга аралашди Турди шер бобо. — Биринчи хотини қазо қилганда биз бешта чол фотиҳага чиқдик. Йигирма чақиримни пиёда босиб, алла-паллада етиб бордик. Ўтириб, чой-пой ичган бўлдик. Етар вақти бўлди. Бир маҳал ётасизларми-кетасизларми деб қолди. Биз бир-биримизга қарадик. Кетақолинглар, уйимиз ўзи тор дейди: йигирма чақиримни яна пиёда босиб қишлоққа товвақ ўтганда етиб келдик.

— Бешта чол оёқ-қўлимни боғлаб, уйимни ўғирлаб кетади деган-да, ҳумп...

— Ўтган куни олдига ўғлимни киргиздим, — деди яна қора чакмонли чол. — Кимга ёзаман? Ҳеч ким ўқимайдиган бўлиб қолибмиз. Ҳаммамиз ўқимоқдамиз. Ўзимиз ёзишимиз керак. Ўзимиз ёзиб, ўзимиз ўқиймиз. Ҳеч ким ўқимаса, ўзимиз ўқиймиз. Ҳеч ким ёзмаса, ўзимиз ёзам

ТОШКЕНТДА ЮГОСЛАВИЯ ФАРМАЦЕВТИКА ПРЕПАРАТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўтган куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг зали яна гавжум бўлиб қолди. Кўргазма павильонларидан биридаги стендларга Югославия Социалистик Федератив Республикаси «Интерэкспорт» ташқи савдо бирлашмаси корхоналарида тайёрлаб чиқарилган медицина препаратлари стендларга расамади билан жойлаштириб қўйилганди.

Эрталаб кўргазмада республикамиз пойтахти журналистлари учун бўлган матбуот конференциясида югославиялик мутахассислар қизиқарли гапларни айтдилар. Тошкентга Югославия фармацевтлари биринчи бор ташриф буюришлари.

Югославия кўргазмасида фармацевтика саноати ютуқларини тарғиб этувчи 60 хилдан ортиқ дори-дармон намуналари қўйилган. Тайёрлаб чиқарилган медицина препаратларининг учдан бир қисми жаҳондаги социалистик мамлакатларга экспорт қилиниб турибди. Югославия йилига СССРга бир неча миллион долларлик дори-дармонлар юборяпти.

Тошкент кўргазмасига Урта Осиё республикаларининг медицина ходимлари, фармацевтлари ҳам таклиф қилинган. Кейин бу кўргазма Ленинград ҳамда Бокуда намойиш қилинади.

ДЎСТЛАР ТАБРИГИ

Ўзбекистон жамоатчилиги маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон — Совет жамияти ташкил этилганлигининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда.

Шонли сана шарафига 24 март куни Тошкентда Совет — Ҳиндистон маданий алоқалари жамияти Ўзбекистон бўлими ижроия комитетининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда шу тантаналарда қатнашмоқ учун Ҳиндистон — Совет жамияти миллий кенгашининг вице президенти, Ҳиндистон ҳукумати юридик комиссиясининг аъзоси Кришна Айр бошчилигидаги Ҳиндистон — Совет жамияти делегацияси қатнашди. Делегация составида таниқли ҳинд жамоат арбоблари ва санъат усталари бор.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова мажлисни очди. Мажлисда самимий кутиб олинган Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Кришна Айр нутқ сўзлади. Бошқа меҳмонлар — Ҳиндистон парламентининг аъзоси Шанкар Дайял Сингх ва таниқли ҳинд киноактёри Ман Мохан Кришна ўзбек дўстларига эзгу тилаклар билдирдилар.

Йиғилишда республикада ўтказилган Ҳиндистонни энг яхши билувчилар конкурсининг якунлари эълон қилинди. Мажлис аҳли қимматли мукофотлар билан тақдирланган ана шу конкурс лауреатларини самимий табриклади.

Мажлисдан кейин Ҳиндистон санъат усталари қўйиб берган концерт самимий кутиб олинди.

* * *

Ҳиндистон — Совет жамияти делегацияси республика бўйлаб сафар қилади, байрамга бағишланган кечаларда ва йиғилишларда қатнашади. (ЎзТАГ).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **СОФИЯ.** Бу йил Георгий Димитров туғилган кунга 90 йил тўлиши муносабати билан Болгария Компартияси нашриёти халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг бу таниқли арбобининг биографиясини китобча қилиб нашр этди. Биографияни Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Болгария Коммунистик партияси тарихи институти тайёрлаган.

◆ **ОТТАВА.** СССР Олий Советининг депутати, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг Канадага қилган визити тугади. Эълон қилинган ахборотда Канада Бош министри П. Э. Трюдонинг 1971 йилда Совет Иттифоқига ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг Канадага қилган визитлари натижасида Совет—Канада муносабатлари анча яхшиланганлиги хусусида мамнуният изҳор этилади.

◆ **ЛИМА.** Перу ҳукумати таълимни ислоҳ қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу қонунда таълим системасининг демократик принциплари, илмнёз ва камситишларнинг барча формаларидан воз кечиш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш эълон қилинди. Янги системада бошланғич, ўрта ва олий таълим бериш шу билан бирга бошланғич ва ўрта таълим мажбурий ҳамда бепул бўлиши кўзда тутилади. Таълим-тарбия жараёнини планлаштириш вазифаси давлат зиммасига юклатилади.

◆ **МОНТЕВИДЕО.** Уругвайда умум забастовка ҳаракати авж олиб кетди. Саноат корхоналарининг меҳнатчилари, шаҳар транспорти, савдо ва давлат муассасалари ҳамда шахсий банкларнинг ишчилари, ўқитувчилар, докерлар, муниципаль ва почта хизматчилари иш ташладилар.

Забастовка қатнашчилари иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар ҳамда ҳукуматнинг парламент муҳокамасига тақдим этган «ички хавфсизлик ҳақидаги» реакцион қонун лойиҳасига қарши чиқмоқдалар.

◆ **БОННФ.** Германия социал-демократик партиясидан Бундестагга сайланган депутатларнинг бир группаси федерал канцлер В. Брандтга, шунингдек, АҚШ президенти Р. Никсонга телеграммалар йўллаб, Америкининг Мюнхендаги «Эркин Европа» ва «Озодлик» радиостанциялари фаолияти тўхатилишини талаб қилдилар. Бу радиостанциялар кўп йиллардан бери эфирда социалистик мамлакатларга қарши туҳматдан иборат пропаганда олиб бормоқда.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЯНА ТИКЛАНДИ

РАВАЛПИНДИ, 23 март. (ТАСС). Польша, Венгрия, Югославия Бангладеш Халқ Республикасини таниганларидан кейин Покистон шу мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни узиб қўйган эди. Покистон ҳукумати Польша ва Венгрия билан дипломатик муносабатлар яна тиклананлигини расмий равишда эълон қилди.

Покистон Югославия билан дипломатик муносабатларни қайта тиклаганлиги ҳам яқинда эълон қилинган эди.

ЎЗБЕКИСТОН жамоатчилиги ҳинд-совет маданий алоқалар жамияти ташкил этилганлигининг 20 йиллигини кенг нишонлади. Ана шу байрамни нишонлаш учун ҳинд-совет маданий алоқалар жамиятининг вице-президенти, Ҳиндистон ҳукумати юридик комиссиясининг аъзоси Кришна Айр бошчилигидаги ҳинд делегацияси Тошкентга келди. Суратда: делегация аъзолари ўзбекистонлик дўстлари билан суҳбатлашмоқдалар.

А. Горохрин фотоси, (ЎзТАГ).

СОВЕТ СИЁСАТИ — ТИНЧЛИК СИЁСАТИ

Жаҳон матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XV съездида сўзлаган нутқини шарҳлашни давом эттириб, Совет Иттифоқи КПСС XXIV съезди белгилаб берган тинчлик программасини изчиллик билан ўтказмоқда, деб таъкидламоқда.

◆ **ПАРИЖ.** Франция ташқи ишлар министри Морис Шуман Л. И. Брежневнинг нутқи тўғрисида ҳукумат аъзоларига маълумот бериб, бу нутқ «Совет ҳукуматининг реализм йўлини тутаётганлигини таъкидлади», деди.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** «Дейли уорлд» газетаси бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи қарама-қарши ижтимоий системадаги давлатлар билан ва шу жумладан Қўшма Штатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга тайёр эканлигини Л. И. Брежнев яна бир марта таъкидлади. Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш билан бирга етилган халқаро проблемаларга нисбатан ижобий йўл тутишни кўзлиб олиб бормоқда.

◆ **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Ғарбий Берлиндаги Герман—Совет дўстлиги жамияти правлениесининг аъзоси Франц Румп ТАСС мухбири билан суҳбатда, Л. И. Брежнев нутқи Совет Иттифоқи давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келаётганлигини яна бир марта яққол ифодалаб берди, деди.

◆ **НИКОЗИЯ.** «Хараваги» газетаси бундай деб ёзади: Империалистик кучларнинг мустақил Кипр давлатига қарши қилаётган кирдикорларига Совет Иттифоқи бефарқ бўлиб қололмаслигини Л. И. Брежнев уқтириб ўтди. Биз, деб ёзади газета, Совет Иттифоқининг бу огоҳлантириши Грециядаги доимий ҳарбий базалар тузишга интилаётганларни, Мальтага тазйиқ ўтказаётганларни, Кипрни бўлиб юборишга ҳозирланаётганларни ўйлаб кўришга мажбур этади, деб ҳисоблаймиз.

◆ **ҚОҲИРА.** «Ал-Жумҳурия» газетасининг редакцион мақоласида «Л. И. Брежневнинг нутқи ўз вақтида қўйилган муҳим сиёсий қадам бўлди, араб дунёси бунга ҳайрихоҳлик билан қарашига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ», дейилади. «Совет Иттифоқи Яқин Шарқдаги тангликнинг кескинлигини чуқур тушунганлигини, Совет ҳукумати Исроил аррессиясининг оқибатларини тугатишга қатъият билан интилаётганлигини Л. И. Брежнев яна бир марта уқтириб ўтди», — дейилади газетанинг мақоласида.

◆ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистоннинг ҳукумат доираларига яқин бўлган «Нэшнл Геральд» газетаси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари «Совет Иттифоқи Ҳиндистон ярим оролидаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилаётганлигини яна бир марта таъкидлади» деб ёзади. «Совет Иттифоқи, — деб давом қилади газета, — Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш ўртасида тинчлик бўлишига ва уларнинг яхши қўшни бўлиб яшашларига тарафдордир».

(ТАСС).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

НЬЮ-ЙОРК. «Кайзер стил корпорейшн» компаниясининг Фонтана шаҳридаги (Калифорния штати) металлургия корхоналарининг минглаб ишчилари иш ҳақининг оширилиши, меҳнат шароити яхшиланиши учун, шунингдек, кексалик ва инвалидлик пенсияларининг кўпайтирилиши учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Кўпгина маҳаллий касаба союзлар ва бошқа прогрессив жамоат ташкилотлари иш ташлаётган ишчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш учун маблағ тўпламоқдалар.

ЛОНДОН. Форстер иқчилик режими Намибиядаги африкаликлар ишчиларнинг забастовкасини қурол кучи билан бостиришга уринаётганлигига қарамай, бу забастовка кенгайиб бормоқда. Ғарби-Жанубий Африка халқ ташкилоти Лондон бўлимининг Намибиядан олиб маълум қилган хабарларига кўра, Уолфиш — Бейдаги балиқ заводларида ишлаётган юзлаб африкаликлар иш ташлаган кишиларга қўшилишган. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, балиқ овлаш мавсуми айни авжида забастовка эълон қилдилар. Иш ташлаган ишчиларнинг ўрнига одам топиш мумкин бўлмаганлиги учун Уолфиш-Бейдаги йирик заводлардан бирининг маъмурияти корхонани ёпишга қарор қилди.

ЖОРЖТАУН. Гайана қишлоқ хўжалик ишчилари союзининг даъвати билан Бербис округи канд-шакар саноати ишчиларидан етти мингдан кўпроқ киши забастовка эълон қилди. Бу ерда бошланган стачка барча қанд заводларининг ишини тўхатиб қўйди. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини, турмуш ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

РАСМИЙ АЙБЛАНДИ

РИМ. 23 март. (ТАСС). 1969 йил 12 декабрда Римда ва Миланда бомбалар портлаганлиги натижасида 16 киши ўлган ва 100 нафарга яқин киши яраланган эди. Янги фашистлардан уч киши, яъни Пино Раути, Жованни Вентуре ва Франко Фреде мана шу террорчиликни ташкил этганлар, деб расмий равишда айбландилар. Бу янги хабар итальянларни ларзага келтирди. «Қора қўйлакликлар»нинг иғвогарлик фаолиятига қарши газаб тўлқинини қўзғатиб юборди.

Айбланган бу уч янги фашист қамоқда ётибди. Улар устига қўйилган айб Римда, Миланда, Тревизода ва Италиянинг бошқа шаҳарларида икки йилдан кўпроқ давом этган тергов материалларига асосланди. Бугун сўл демократик матбуотнинг ёзишига қараганда, мамлакатда янги фашистларнинг кенг миқёсда ташкил этилган «қора фитнаси» мавжудлиги тергов натижасида аниқланган, «Итальян социал ҳаракати»нинг ҳақиқий қоили башараси очиб ташланган.

Терговни охиригача етказиш, фитнанинг барча томир ва тармоқларини очиб ташлаш, барча террорчиларга, уларнинг шерикларига ва ҳомийларига зарба бериш, жиноятчилар авантюрасини батамом тор-мор келтириш билангина чекланиб қолмасдан, ҳозирги Италия тарихининг энг қора саҳифаларидан бирини ёритиб бериш ҳам зарур, деб ёзади «Унита» газетаси.

Туҳматчилар

ВАШИНГТОН. 23 март. (ТАСС). АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси Совет Иттифоқига ва социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик пропагандасини олиб бораётган «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанцияларини шу йил 30 июнга қадар федерал бюджетда пул билан таъминлаб туриш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Илгари бу қонун лойиҳасини сенат маъқуллаган эди.

Шундай қилиб, Америкининг қонун чиқарувчилари ўзларининг жиловларини расмий Вашингтонга тутқазиб қўйдилар. Маълумки, расмий Вашингтон туҳмат ва бўҳтон тарқатувчи мана шу радиостанцияларнинг умрини узайтиришга ҳаракат қилиб, бунинг учун ҳамма воситаларни, шу жумладан очиқдан-очиқ тазйиқ ўтказиш методларини ҳам ишга солмоқда.

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси қўпорувчилик фаолиятининг карнайлари бўлган мана шу иккита радиостанцияни пул билан таъминлаб турганлиги очилиб қолганидан кейин АҚШ конгрессида катта шов-шув кўтарилган эди. АҚШнинг мана шу жосуслар маҳкамаси «хусусий кишилар ва ташкилотларнинг ихтиёрий ианалари» деган важ билан ўзининг маҳфий фондларидан мазкур радиостанцияларнинг ҳаражатига ҳар йили 36 миллион доллар миқдорида пул бериб келди.

Шу иш очилиб қолганидан кейин Ғарбий Германияда ўрнашиб олган мазкур радиостанцияларни пул билан таъминлаш шаклларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироқ, Конгресс аъзоларининг кўплари жаҳонда кескинликни қўзғатиш билан шуғулланаётган шу радиостанциялар ишини қаттиқ танқид қилдилар ва бу радиостанцияларга маблағ ажратилишига қарши бўлиб чиқдилар.

Сенат ташқи ишлар комиссиясининг раиси У. Фулбрайт «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанцияларини «совуқ уруш мурдалари қўмилаётган қабристонга» алдақачон тиқиб қўйиш керак эди, чунки уларнинг эшиттиришлари Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашга тўсқинлик қилаётир, деди.

БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

ЯНГИ ҲАЁТ ЙЎЛИДА

И. ШАТАЛОВ

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти Ташқи алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Бугун Бангладеш халқи ўз мустақиллигининг биринчи баҳорини нишонламоқда. Маълумки, 1971 йилнинг 26 мартида Покистон ҳарбий маъмурлари шарқий бенгалийликларни очиқдан-очиқ қиргин қилишга киришгач, Бангладеш Халқ Республикаси эълон қилинган эди. Бироқ Ғарбий Покистон қўшинлари Шарқий Покистоннинг озодлик кучларига таслим бўлганидан кейингина, 16 декабрда Бангладеш Халқ Республикаси тўла мустақилликка эришди. Ўруш шарқий бенгалийликлар бошига чексиз кулфатлар солди. Миллионлаб кишилар қиргин қилинди, 10 миллион киши Ҳиндистонга ўтди. Халқ хўжалиги, айниқса саноат бутунлай издан чиқди. Бангладеш халқи учун ниҳоятда оғир бўлган ана шу дамларда Ҳиндистон ва бошқа социалистик давлатлар сингари Совет Иттифоқи ҳам жабр-дийдаларга ёрдам қўлини чўзди. СССР халқи ва ҳукумати ўз озодлиги учун курашаётган Бангладеш халқини ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаб турди. Айниқса Совет Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти шарқий бенгалийликларга катта ёрдам кўрсатди. 1971 йилнинг июнь-июль ойларида бошпана излаб Ҳиндистонга келган шарқий покистонлик қочоқларга ҳар хил дори-дармон, озиқ-овқат ва кийим-кечаклардан иборат 140 минг сўмлик ёрдам берилди. 1972 йилнинг январида Бангладеш аҳолисига яна 50 минг сўмлик дори-дармон ва энг зарур буюмлар этиб берилди. Мен СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятининг вакили сифатида ана шу ёрдам юкини Бангладеш Қизил Крест жамиятига топширганимдан кейин қултепалар ўрнида кад кўтариб, янги ҳаёт йўлига қадам қўяётган Бангладеш Халқ Республикасининг ҳаёти билан танишдим.

Бангладешдаги аянчли аҳволни бу ердаги вайроналиг-у қултепаларни кўз билан кўрмагунча тасаввур қилиш қийин. Қишлоқлар ҳарабага айланган. Завод ва фабрикалар ишламайди. Кўприклар портлатилган, транспорт бутунлай издан чиқиби. Хазина эса бўм-бўш — мамлакатнинг олтин фонди ўғирлаб кетилган. Бошпанасиз оилалар эса 25 миллиондан ҳам кўпроқ.

Реабилитация ва қочоқлар иши билан шуғулланувчи министр А. Камаруззамон ҳузуридаман. Милтиллаб турган шам ёруғида кофе билан кекс тамадди қилиб, мен ва ҳамкасбим ўтган ишлар ҳақида суҳбатлашмоқдамиз. Хозирги оғир шароитда меҳмон олдига қўйиладиган бор-йўқ нарса шундан иборат. Министр газеталарга ишора қилди. Уларда эса кардошлик қабристонларининг сон-саноқсиз рўйхати.

Бакарганжда 25 минг киши ўлдирилди. Динажнурда ўлдирилганлар сони бундан икки марта кўпроқ. Порт шаҳри Калнада эса юз мингга яқин киши қириб ташланди. Жиноятларнинг далили учун узоққа бориш шарт эмас. Пойтахтдан чиқиб, атиги 10 минут юрилса, Шиадбари қишлоғига чиқилади. Уймалашиб ётган одам суякларигина бир вақтлар бу ерда қишлоқ бўлганлигини эслатиб турибди. Ҳатто Дакка шаҳрининг ўзида ҳам қиндлар истикомат қилган Шакари бозор, Чоқ бозор, Ингилиш роуд районларида бирорта бутун бино қолмаган. Ҳамма ёқда харобалар, харобалар...

— Бу ерда қаршилик кўрсатувчилар базаси жойлашган эди, — дейди Халқ Иттифоқи партиясининг активисти Абдул Авал қўли билан вайроналикни кўрсатиб.— мана бу ерда эса ёғочсозлик заводи ва омборлар жойлашганди. Қурол бўлмагани учун ишчилар қўлларига илинган нарсани — таёқ, занжир, темир-терсак олиб жазо отрядларига қарши жанг қилдилар. Ғарбий Покистон маъмурлари бизнинг уй-жойимизни вайрон қилди, ёру-биродарларимизни ўлдиришди. Аммо озодликка бўлган иродамизни бука олмадилар.

Бенгалиялик оддий ишчи ва деҳқонлар жаҳон сиёсатининг мураккаблигини тушунишмайди. Улар биладиган мамлакатларнинг номларини битта қўлдаги бармоқлар билан санаб бериша оладилар, холос. Улар ўз озодликлари учун курашдилар ва шу оғир дамларда дўстлари ким эканлигини жуда яхши тушуниб олдилар. «Совет Иттифоқи» деган сўзни эшитганида уларнинг юзига илик табассум югуради. «Совет Иттифоқи» — бизнинг дўстимиз, бошимизга ташвиш тушганда биз буни жуда яхши эдик, — дейди уларнинг ҳар бири.

Совет Иттифоқи халқларидан бизга чексиз миннатдормиз, — дейди министр Камаруззамон, — чунки у биринчи бўлиб бизга ёрдамга келди. Очиғини айтганда, Совет Иттифоқи бизнинг курашимизга ўз ҳиссасини қўшмаганида Бангладешнинг давлат сифатида тан олиниши ҳам амри маҳол эди.

Бангладеш Халқ Республикасининг бош министри шайх Мужибур Раҳмон, соғлиқни сақлаш министри Зохид Аҳмад Чоудри ва бошқа давлат арбоблари ҳам худди шу фикрни айтишди.

... Шайх Мужибур Раҳмон ишора билан мени ўз ҳонасига таклиф этди. Унга бошдан-оёқ разм соламан. Кураш йилларию қамоқхоналар унинг чеҳрасида ҳеч қандай из қолдирмаганга ўхшайди.

Атрофимизда кишилар ўралашиб юрибди, қоғозлар шитирлайди, фотоаппарат шиқирлайди, кино камералари ғижиллайди. Бироқ, ҳеч нарса бош министрнинг ўз фикрини аниқ баён қилишига халақит беролмайди:

— Биз бошимиздан кечирган барча даҳшатлар сизга яхши маълум, — дейди у, — буни ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Бизнинг қатанимизда юз берган фожианинг чеки йўқ. Кишиларни вахшийона қийнашди, ўлдиришди, айниқса врачларни, ўқитувчиларни — умуман зиёлиларни қиргин қилишди. Бош министр бир оз жим қолди, кейин яна давом этди.

— Менинг 10 миллион ватандошим ўз жойини ташлаб Ҳиндистонга қочиб ўтишга мажбур бўлганида Совет Қизил Крести биринчи бўлиб ёрдамга келди. Сизнинг Жамиятингиз бизнинг яшаб қолишимизга ёрдам берди. Мен халқларимиз ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Бангладеш ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига ва янада ривожланишига ишонаман. Бу дўстликни бузадиган, унга нифоқ соладиган куч дунёда йўқ...

Шайх Мужибур Раҳмоннинг сўнгги сўзлари халқ қасамёдидай янгради.

Суратда: СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти томонидан юборилган дори-дармонлар Бангладеш Қизил Крест жамияти вакилларига топширилмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт, 7.45 — Мактаб ва жамоатчилик, 8.25 — Концерт, 9.30 — Шарқ куйлари, 10.30 — Концерт, 11.15 — «Табассум», 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.30 — Хатларингизни ўқиб, 15.00 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети, 15.10 — Фарғона талантлари, 17.40 — Кино янгиликлари, 18.00 — Музикали глобус, 18.40 — Енгил куйлар, 19.20 — Лирик концерт, 20.00 — Ешлик программаси, 21.00 — Мамлакат ва қитъаларда, 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.15 — «Табассум» (такрорий эшиттириш), 23.10 — Дам олиш концерти, 24.00 — Музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Таниқли ижрочилар концерти, 9.15 — Аэрофлотнинг юбилей йили, 19.00 — Дўстлик куйлари, 19.30 — Классик куйлардан концерт, 20.00 — «Юность» программаси (Москва), 21.00 — Халқаро обзор, 21.30 — Дам олиш концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 — П. Чайковский. **«Пиковая дама»** (опера), 17.00 — «Юность Узбекистана» программаси, 17.40 — Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари, 19.00 — «Табассум».

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Музикали кўрсатув, 10.10 — Шоирлар болаларга. **Миртемир,** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар, 11.15 — «Будильник», 11.45 — «Здоровье» 12.15 — Концерт, 13.05 **Тўрт таннчи ва ит** (бадиий фильмнинг 20-серияси). 16.40 — ТОШКЕНТ, 16.45 — Ахборот, 17.00 — **Хоккей: «СПАРТАК»** (Тошкент) — ПОЛЬША ТЕРМА КОМАНДАСИ, 19.45 — Ахборот, 20.00 — **Марҳабо, талантлар** (Бухоро области), 22.00 — **«Вақт»,** 22.30 — **Ҳалоскорлик** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 16.00 — МОСКВА. 18.30 — Киносаёҳатчилар клуби, 19.30 — Ураликлар, 20.00 — Спорт кўрсатувлари, 20.45 — **Кумуш карнайлар** (бадиий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.20 — Врач маслаҳати, 22.30 — МОСКВА. Шоир **Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ**нинг авторлик кечаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.05 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/III да **Этик кийган мушук** (кундузи), **Танавор** (кечқурун), 27/III да **Доктор Айболит** (кундузи), **Травиата** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/III да **Табассум ўғрилари** (кундуз соат 11 ва 3 да), **Шоҳ Эдип** (кечқурун), 27/III да **Афсона яратган қиз** (кундуз соат 11 ва 2 да), **Аяжонларим** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/III да **Ҳалима** (кундуз соат 1 ва кеч 7 яримда), 27/III да **Навоий Астрободда** (кундуз соат 1 да), **Қайнона** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **АЛЬБИНА ЗОТОВА** раҳбарлигидаги **«АФСОНАВИЙ ЎЛКА»** иллюзион аттракционининг гастроллари (кеч 7 яримда; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Биз вундеркиндлармиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик — САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Оқар сувлар — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Журъат — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Садоқат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ешлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Овчилар диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН ТЕРРИТОРИЯСИДА БАҲОР ФАСЛИДА ҲАР ҚАНДАЙ ЙЎЛ БИЛАН ОВ ҚИЛИШ
ТАҚИҚЛАНАДИ
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўрмон хўжалиги бўйича Давлат Комитети.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор—336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337601, Адабиёт ва санъат — 332036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338142, Компьютер—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258.
ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 72. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01313.